O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
УЗБЕКИСТАНСКОГО РАЙОНА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2020 yil "29" Апрель №636

**"ISTIQLOL 48" МЧЖга туман давлат захира ерларида жойлашган "Laxkan" чиғаноқтош кони қисмидан чиғаноқтоши қазиб олиш карьери (қазилмагохи)ни геологик жихатдан ўрганиш учун ер майдони танлаш ва ажратиш хақида**

Тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб хамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6,20, 23 ва 78-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси "Махаллий Давлат хокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6,10,25-моддасига асосланиб

**КАРОР КИЛАМАН:**

1.Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қари участкаларидан фойдаланиш хуқуқи учун лицензиялар бериш буйича комиссияси томонидан 14 май 2019 йилда берилган серия ҒR тартиб рақами 0057 "Норуда фойдали қазилмаларини ўз ичига олган ер қари участкаларидан фойдаланиш хуқуқи учун" берилган Ғ 5 турли лицензияларми асос учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон тумани доимий харакатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг "ISTIQLOL 48" МЧЖга Шурсув кургони атрофидаги туман давлат захира ерларида жойлашган "Laxkan" чиғаноқтош кони қисмидан чиғаноқтоши қазиб олиш карьери (қазилмагохи)ни геологик жихатдан ўрганиш учун ер майдонлари танлаш ва ажратиш тўғрисидаги 2019 йил 29 декабрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

3. "ISTIQLOL 48" МЧЖга "Laxkan" чиғаноқтош кони қисмидаги қишлоқ хужалигида фойдаланмайдиган туман давлат захира ерлари № 458 қ контуридаги жами 5,00 га (беш) гектар ер майдонидан чиғаноқтоши қазиб олиш карьери (қазилмагохи) 14 май 2019 йилда берилган серия ҒR тартиб рақами 0057 "Норуда фойдали қазилмаларини ўз ичига олган ер қари участкаларидан фойдаланиш хуқуқи учун" берилган Ғ 5 турли литцензияларининг 4 иловасида белгиланган чегараси бўйича 2021 йил 14 майгача геологик жихатдан ўрганиш учун фойдаланиш хуқуқи билан танлаб, ажратиб берилсин.

4.Ушбу карорни ижросини белгиланган муддатларда бажарилишини назорат килиш туман хокимининг уринбосари И.Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими** **Қ.Джураев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMLIGI
BAYON QISMI